ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ

Гулноза Хасанова
Жиззах давлат педагогика институти
gulnozaxasanova353@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида педагогларнинг илмий фаолиятида креатив қобилиятларнинг ривожлантириш ватакомиллаштиришнинг мазмуни хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Креативлик, креатив потенсиали, педагог тарбиячи қобилияти, интерфаол услублари, педагогик маҳорат.

CONTENT OF DEVELOPING THE CREATIVE ABILITIES OF TEACHERS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Gulnoza Khasanova
Jizzakh State Pedagogical Institute
gulnozaxasanova353@gmail.com

ABSTRACT

This article discusses the content of the development and improvement of creative abilities in the scientific activity of teachers in higher education institutions.

Keywords: Creativity, creative potential, pedagogical skills, interactive methods, pedagogical skills.

КИРИШ

Жахон миқёсида оилй таълим тизимида бугунги кунга келиб таълимнинг мақсади, мазмуни, ўқитиш технологиялари ва воситаларининг такомиллаштиришга олиб келмоқда. Хусусан, АҚШ Гарвард университети қошидаги Сареер Сервисес Маркази томонидан малакали мутахасис касбий компитентлигини белгиловчи мезон ва талаблар ностандарт педагогик тафаккур тари эътироф этилган.

Дунё миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотларда таълимга компитентли ёндашув асосида педагог кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, ижодий таълим жараёнини лойиҳалашнинг замонавий усул таъминоти

механизмларини такомиллаштириш, педагог-тарбиячиларни педагогик қобилиятларини ривожлантириш, интерфаол услублари ва технологияларини амалиётга тадбиқ этиш ва педагогик фаолият самарадорлигини оширишга ҳизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда мамалакатимизда таълим муассасаларининг модди-техник ва ахборот базасини мустахкамлаш, ҳалқаро стандартларга мос келадиган олий таълим тизимини яратиш, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутаҳасисликлари, сиртқи ҳамда кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши, олий таълим муассасалари билан жаҳондаги етакчи олий таълим муассасалари ўртасида яқин манфатли ҳакорлик алоқалари ўрнатиш борасида олиб борилган ишлар ўқитувчи, педагог-тарбиячи қобилиятини ривожлантириш имконини бермоқда. Хозирги кунларда шиддат билан тараққий этаётган давр олий таълим тизимини дунё талабларига янада мослаштиришни, соҳага илғор педагогик технологияларни тадбиқ қилинишини, ўқитишнинг замонавий усулларини қўллашни талаб этмоқда.

Айни шу жиҳатлар хисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таълим тизимини ислоҳотига қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз рахбарининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони хамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (23.09.2020й, № ЎРК-637) қонуни бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

2018-йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президентимизнинг қарорида “мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда оилй талим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш, профессор- ўқитувчиларнинг билим ва педагогик маҳорати мониторингини юритиш” вазифаси белгиланди.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, жумладан, олий таълим соҳасида ислоҳотларни изчил амалга ошириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг маъруза ва нутқларида акс этган. Мазкур манбалар тадқиқот иши учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Креативлик, касбий компитентлик, жумладан олий таълим муассасалари педагогларни касбий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари юртимиз олимлари Н.М.Азизхаджаева, Р.Ш.Ахмеддинов, У.Ш.Бегимулов, У.И.Иноятов, Ш.С.Шарипов, Я.У.Исмадияров, Р.Х.Жураев, О.Мусурмонова, У.Толипов ва И.А.Муслимовлар ишларида битилган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва ва малакасини ошириш жараёнларида касбий-педагогик фаолиятини, креативлик, касбий компитентликни ва асосида такомиллаштириш муаммолари эса, А.Р.Исянов, Ш.К. Мардонов, Ж.Г.Юлдашев, А.С.Жураев, М.Т.Мирсолиевалар томонидан илмий тадқиқ қилинган. Ўтказилаётган илмий-услубий адабиётлар таҳлили натижаларига кўра, бугунги кунда олий таълим муассасаларида иш фаолият юритилаётган профессор-ўқитувчилар креативлик асосида педагогик-психологик фаолиятларини такомиллаштириш, уларни самарадорлигини педагогик тажрибага асослаш зарурати мавжуд.

НАТИЖАЛАР

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоѐн эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгалиги билан боғлиқ.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Педагогнинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоѐн қилиш лаѐқатига эгаликни ва тайѐрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоѐн бўлади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ѐки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Натижада педагог:



МУҲОКАМА

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ѐндошиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ѐрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаѐтий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиѐж сезади.

ХУЛОСА

Педагогнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши, ўз устида изчил ишлаши, кун сайин янгиланиб бораѐтган билимларни ўзлаштиришга интилиши, ўқув ахборотларини талабаларга қизиқарли тарзда етказиб бериш

учун машғулотларга тайѐргарлик кўришга ижодий ѐндаша олиши талаб этилмоқда. Глобал ахбортлашув ижтимоий субъектлар, хусусан, талабалар томонидан ҳам исталган маълумотни ихтиѐрий равишда ўзи учун қулай шароит ва жойда турли ахборот-коммуникацион технологиялар ѐрдамида ўзлаштириш имкониятини юзага келтирмоқда. Чунки билимнинг ҳар қандай ахборотдан асосий фарқи маълумотларнинг муайян соҳалар бўйича тизимли, изчил, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқли ўзлаштирилганлиги билан белгиланади. Таълим тизимида том маънода талабаларга сифатли, фойдали, муҳим, зарур, керакли ва амалий аҳамиятга эга маълумотларни тизимли равишда етказиб бера олиши учун бугунги кун педагоги ахборотларни тезкор қабул қилиш, қайта ишлаш ва талабаларга самарали, қизиқарли тарзда етказиб беришнинг уддасидан чиқа олиши зарур.

ОТМ педагогларини қайта тайѐрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларини педагогик компетентлик, педагогик маҳорат ва креативлик асослари билан таништириш улар томонидан ўқув жараѐнини ижодий характерда, қизиқарли, талабаларнинг фаолликлари асосида ташкил этилишишга ѐрдам беради. Тингловчиларнинг ҳар қандай ўқув ахборотига нисбатан ижодий ѐндаша олиш, уларни қайта ишлаш, айниқса, давр талабидан келиб чиққан ҳолда матнли маълумотларни моделлаштириш имкониятига эга бўлишлари нафақат талабаларни балки ўзларининг ҳам ўқув жараѐнига бўлган муносабатларини ижобий ўзгартиради.

REFERENCES

1.Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет. 91-б
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриѐти, 2016.